

ФАРЗАНДЛИККА ОЛИШ: ЖИНОЙ-ПРОЦЕССУАЛ ВА ФУҚАРОВИЙ-ПРОЦЕССУАЛ АСПЕКТЛАРИ

Солиева Камола Рустамжон қизи

Тошкент шаҳар суди судья катта ёрдамчиси

kamolasoliyeva4@gmail.com

Ҳар бир бола муносиб ҳаётга бўлган табиий ҳуқуққа эга, бу замонавий жамият ва давлат томонидан кафолатланиши керак. 18 ёшгача бўлган ҳар қандай шахс бола ҳисобланади⁵¹.

1959 йилда қабул қилинган “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги Декларациянинг 2-тамойилида “Бола қонун ва бошқа воситалар билан алоҳида ҳимоя билан таъминланади, унга жисмоний, ақлий, ахлоқий, маънавий ва ижтимоий жиҳатдан ривожланиши учун қулай имкониятлар ва қулай шароитлар яратиб берилади.”

Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияда, шунингдек, давлатлар болага унинг фаровонлиги ва ривожланиши учун зарур бўлган ҳимоя ва ғамхўрликни таъминлаши шарт, аммо боланинг шахс сифатида ҳар томонлама ва уйғун ривожланиши учун у ота-онаси билан оилада, севги ва бахт муҳитида ўсиши лозим. Мазкур қоида, шунингдек, Бола ҳуқуқлари декларациясининг 6-тамойилида кўрсатилган бўлиб, унда “бола (иложи бўлса) ота-онасининг ғамхўрлиги ва масъулиятида, ҳар қандай ҳолатда ҳам севги ва ахлоқий муҳитда ўсиши керак.”

Ҳуқуқлар тўғрисидаги конвенциянинг 9-моддасида давлат боланинг ота-онасидан уларнинг хоҳишига қарши ажралмаслигини таъминлайди, аммо объектив сабаблар ва ҳолатлар туфайли ёш болалар ота-она қарамоғисиз қолиб, оиладан ташқарида ўсади, деб белгиланган.

Бундай ҳолларда болани парвариш қилиш давлат зиммасига юкланади. Бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида, бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги халқаро ҳуқуқ тамойилларини ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистон қонунчилигининг нормалари, хусусан, “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида” қонуни ҳам йўналтирилган. Ушбу қонун Ўзбекистон Республикасида бола ҳуқуқларини таъминлаш бўйича давлат сиёсатининг мақсадлари ва асосий йўналишларини белгилайди. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелдаги Оила кодексининг нормалари оила ва боланинг манфаатларини ҳимоя қилишда муҳим рол ўйнайди.

Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси ота-она қарамоғисиз қолган болаларни тарбиялаш шакллари батафсил тартибга солади. Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси 151-моддасига биноан, ота-она қарамоғисиз қолган болаларни жойлаштиришнинг устувор шакли фарзандликка олиш ҳисобланади.

⁵¹ Статъя 1 Конвенции о правах ребенка (одобрена Генеральной Ассамблеей ООН 20 ноября 1989 г.) (вступила в силу для СССР 15 сентября 1990 г.).

Вояга етмаган болаларга нисбатан ва фақат уларнинг манфаатларини кўзлаб, болаларнинг ҳар томонлама жисмоний, ақлий, маънавий ва ахлоқий ривожланишини таъминлаш имкониятларини ҳисобга олган ҳолда фарзандликка олишга рухсат этилади. Кодекснинг 152-моддасида вояга етган эркак ёки аёл фарзандликка олувчилар бўлиши мумкинлиги кўрсатилган, бундан мустасно:

- ✓ ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган ёки ота-оналик ҳуқуқи чекланганлар;
- ✓ қонун билан белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилганлар;

- ✓ асаб касалликлари ёки нарколегия муассасаларида рўйхатда турувчилар;
- ✓ қонунда кўрсатилган асослар бўйича фарзандликка олганлиги бекор қилинган собиқ фарзандликка олувчилар;

- ✓ ҳаётга, соғлиққа қарши жиноятлар, ҳаёт ёки соғлиқ учун хавфли бўлган жиноятлар, жинсий эркинликка, оилага, ёшларга ва ахлоққа қарши, шахснинг озодлигига, шаъни ва кадр-қимматига қарши (бундан тухмат, ҳақорат қилиш мустасно), фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига қарши (бундан жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонунчиликни бузиш, муаллифлик ёки ихтирочилик ҳуқуқларини бузиш мустасно), тинчликка ва инсониятнинг хавфсизлигига қарши, Ўзбекистон Республикасига қарши жиноятлар, ўзганинг мол-мулкни талон-торож қилиш билан боғлиқ бўлган жиноятлар, жинсий йўл билан топилган мол-мулкни олиш ёки ўтказиш, тижоратда пора эвазига оғдириб олиш ёхуд нодавлат тижорат ташкилотининг ёки бошқа нодавлат ташкилотининг хизматчисини пора эвазига оғдириб олиш, бошқарув тартибига, шунингдек одил судловга қарши жиноятлар, қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш, жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар (бундан учувчисиз учадиган аппаратларни қонунга хилоф равишда олиб кириш, ўтказиш, олиш, сақлаш ёки улардан фойдаланиш, карантинли ва инсон учун хавфли бўлган бошқа юқумли касалликлар тарқатиши ҳақида ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотларни тарқатиш, учувчисиз учадиган аппаратларни сақлаш ва улардан фойдаланиш тартибини бузиш, тадқиқот фаолиятини амалга оширишда хавфсизлик қоидаларини бузиш, меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини бузиш, санитарияга оид қонунчиликни ёки эпидемияларга қарши кураш қоидаларини бузиш, тоғ-кон, қурилиш ёки портлатиш ишлари хавфсизлиги қоидаларини бузиш, ёнғин хавфсизлиги қоидаларини бузиш мустасно), гиёҳвандлик воситаларининг ёки психотроп моддаларнинг қонунга хилоф муомаласидан иборат жиноятлар, жамоат тартибига қарши жиноятлар ва ҳарбий мансабдорлик жиноятлари содир этганлик учун илгари ҳукм қилинганлар;

- ✓ ушбу модда биринчи қисмининг олтинчи хатбошисидан кўрсатилган жиноятлар жумласига кирмайдиган оғир ва ўта оғир жиноятларни содир этганлик учун илгари ҳукм қилинганлар;

✓ ушбу модда биринчи қисмининг олтинчи ва еттинчи хатбошиларида кўрсатилган жинойтларни содир этганлик учун ўзига нисбатан жинойт иши айблилик тўғрисидаги масала ҳал қилинмай туриб тугатилганлар;

✓ фарзандликка олишга монелик қиладиган касалликларга чалинганлар.

Фарзанд асраб олиш суд томонидан болани қабул қилиш тартибини белгилайдиган Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 151-моддасига мувофиқ амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 298-моддаси фарзандликка олиш тўғрисидаги ариза топшириладиган органни белгилайди. Фарзандликка олмақчи бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари фарзандликка олинаётган боланинг яшаш (турган) жойидаги фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судига ариза билан мурожаат қилишлари керак. Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган болани фарзандликка олишни истовчи Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида доимий яшаётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ёки фуқаролиги бўлмаган шахслар фарзандликка олиш тўғрисидаги аризани фарзандликка олинаётган боланинг яшаш (турган) жойидаги тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси судига, вилоятлар ёки Тошкент шаҳар судларига беради.

Шу билан бирга, қонун ҳужжатларида назарда тутилганидек, болани фарзандликка олиш учун унинг ота-онасининг розилиги, улар бўлмаган тақдирда эса васийлик ва ҳомийлик органининг розилиги талаб қилинади.

Бундай ҳолда, бундай розилик нотариал тасдиқланган ёки фарзандликка олинган бола жойлашган ташкилотнинг раҳбари ёки фарзандликка олинган жойидаги ёки унинг яшаш жойидаги васийлик ва ҳомийлик органи томонидан тасдиқланган бўлиши керак. Шунингдек, розилик фарзандликка олиш тўғрисида иш юритилаётганда бевосита судда баён этилиши ҳам мумкин.

Фарзандликка олиш жараёнида ота-оналар болани фарзандликка олиш тўғрисида суд қарори чиқарилгунга қадар болани фарзандликка олишга розилигини қайтариб олишга ҳақли.

Айрим ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 160-моддасига мувофиқ қуйидаги ҳолларда фарзандликка олиш ота-онанинг розилигисиз амалга оширилиши мумкин:

✓ ота-онанинг кимлиги номаълум бўлса;

✓ ота-она ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган бўлса;

✓ ота-она муомалага лаёқатсиз, бедарак йўқолган деб топилган ёки вафот этган деб эълон қилинган бўлса;

✓ ота-она бир йилдан ортиқ муддат давомида болалар ёки даволаш муассасаларидаги боласидан узрли сабабларсиз хабар олмаган бўлса.

Юқорида келтирилган шахсларнинг фарзандликка олишга розилиги билан бир қаторда, у ўн ёшга тўлганда, унинг розилиги ҳам зарур, аммо агар бола фарзандликка

олувчиларнинг оиласида тарбияланаётган бўлса ва уларни ўз ота-онаси деб эътироф этса, фарзандликка олиш фарзандликка олинаётган боланинг розилигисиз амалга оширилиши мумкин.

Оила кодексининг 157-моддасига биноан, агар бола эр-хотиннинг ҳар иккаласи томонидан фарзандликка олинмаётган бўлса, бунга хотин (эр)нинг розилиги талаб этилади.

Агар эр-хотин оилавий муносабатларни тугатган, бир йилдан ортиқ бирга яшамаётган бўлсалар ва эр (хотин)нинг турар жойи номаълум бўлса, фарзандликка олишда унинг розилиги талаб қилинмайди.

Оила Кодексининг 152-моддаси 2-қисмида белгиланган қоидаларга мувофиқ фарзандликка олувчилар ва фарзандликка олинувчилар ёшидаги фарқ ўн беш ёшдан кам бўлмаслиги шарт, бундан ўғай ота ва ўғай она ёхуд фарзандликка олинувчининг яқин қариндошлари томонидан фарзандликка олиш ҳоллари мустасно.

Фарзандликка олиш сирини таъминлаш учун Оила Кодексининг 164-моддасига мувофиқ, фарзанд олувчининг илтимосига биноан, фарзандликка олинган боланинг туғилган санаси, лекин бир йилдан ортиқ бўлмаган муддатга ўзгартирилиши мумкин.

Ушбу тартиб-қоидалар қонун билан фарзандликка олиш сирини сақлаш учун назарда тутилган. Болани фарзандликка олиш тўғрисида қарор қабул қилган судьялар ёки фарзандликка олишни давлат рўйхатидан ўтказган мансабдор шахслар, шунингдек фарзандликка олиш тўғрисида бошқача маълумотга эга бўлган шахслар фарзандликка олиш сирини сақлашлари шарт.

Оила кодексининг нормаларига қўшимча равишда, фарзандликка олиш сирининг кафолати Ўзбекистон Республикасининг жиноят қонунчилиги ҳисобланади. Ўзбекистон Жиноят кодексининг 125-моддасига биноан, фарзандликка олувчининг иродасига қарши фарзандликка олиш сирини ошкор қилганлик учун жавобгарлик фарзандликка олиш фактини расмий ёки касбий сир сифатида сақлашга мажбур бўлган шахс томонидан ёхуд ғаразғўйлик ва бошқа паст ниятларда содир этилган шахслар учун жавобгарлик белгиланган.

Фарзандликка олиш сирини ошкор қилишнинг объекти фарзандликка олинган болаларнинг нормал ривожланиши учун шарт-шароитларни вужудга келтиришга қаратилган ижтимоий муносабатлар, оила манфаатлари, боланинг нормал рухий ривожланиши ҳисобланади.

Фарзандликка олиш сирини ошкор қилишнинг объектив томони фарзандликка олиш тўғрисидаги маълумотни учинчи шахсларга оғзаки ёки ёзма равишда етказиш. Бундай ҳаракат болага катта рухий зарар етказиши ёки оилавий ришталарни йўқ қилиши мумкин ва ҳоказо. Ушбу жиноятнинг субъекти 16 ёшга тулган, бола фарзандликка олинганлигини аниқ билган ҳар қандай шахс (фарзандликка олинган боланинг туришган ота-онаси, унинг бошқа қариндошлари, болалар муассасаларининг тарбиячилари, ўқитувчилари, фарзандликка бола олган эр-хотиндан биронтаси, агар у

бошқасининг эркига қарши равишда ҳаракат қилган бўлса ва бошқалар) бўлиши мумкин.

Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда шуни таъкидлаш керакки, фарзандликка олиш пайтида Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида назарда тутилган қоидалар ва тартибларга қатъий риоя қилиш керак.